



сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни севадир» (8-оят).

Аллоҳ таоло бу ояти каримада мўмин-мусулмонларни бошқа миллат ва диёнат вакиллари билан, агар улар мусулмонларга диний адоват ила уруш қилмаса ва уларни сиқувга олиб, ўз диёрларидан чиқариб юборишга уринмаса, яхши алоқада бўлишга буюрмоқда ва уларга нисбатан адолатли бўлишни таъкидламоқда.

«Ҳа, эй мусулмонлар,

**«Аллоҳ сизлар билан дин борасида уруш қилмаган ва сизларни диёрларингиздан қувиб чиқармаганларга яхшилик ва адолат қилишдан сизларни қайтармас».**

Ушбу ҳукм Ислом динининг нақадар инсонпарвар ва бағрикенг дин эканининг ёрқин далилидир. Бу дин бошқа диндагиларга яхшилик ва адолат қилишдан ҳеч кимни ман қилмайди.

**«Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни севадир».**

Бундай улуғвор ҳукми ўзга тузум ва динлар жорий эта олмаганлар.

Юқорида Расулуллоҳ алайҳиссалом мушрик ҳолидаги Абу Қуҳофа розияллоҳу анҳуни қандай эъзозлаганларини кўрдик. У зот алайҳиссалом бошқа бир қанча ғайримусулмон кексаларни эъзозлаганлари сийрат китобларимизда ривоят қилинади.

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг бош шогирдлари Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳи ўзининг «Харож» номли китобида қуйидагиларни ёзадилар:

**«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бир қавмнинг эшиги олдидан ўтаётиб, катта ёшдаги кўзи ожиз одамнинг тиланиб турганини кўрди. Сўнг унинг билагидан тутиб:**

**«Қайси аҳли китоблардансан?» деб сўради.**

**«Яҳудийман», деди у.**

**«Сени мен кўрган нарсага нима мажбур қилди?» деди.**

**«Жизя, эҳтиёж ва ёш», деди.**

Шунда Умар розияллоҳу анҳу унинг қўлидан ушлаб, уйига олиб борди. Уйдаги борини олиб берди. Кейин байтулмолнинг хазиначисига одам юбориб, «Бунга ва бунга ўхшаганларга қаранглар! Аллоҳга қасамки, агар унинг ёшлигини еб, қарилик чоғида уни бепарво ташлаб қўйсак, инсоф қилмаган бўламиз. «Садақалар фақирларга, мискинларгадир». Ушбу одам аҳли китобнинг мискинларидандир», деди. Сўнгра ундан ва унга ўхшаганлардан жизя олишни бекор қилди».

Бошқа ривоятларда айтилишича, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг буйруқларига биноан ўша одамга нафақа ҳам белгиланган. Кекса мусулмонларни нафақа билан таъминлаш ҳам ўша яҳудий қариянинг сабабидан жорий қилинган.

***“Кексаларни эъзозлаш” китобидан***